Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

Халқ зиёлилари газетаси *1931 йилдан чиқа бошлаган* **1994 йил 23 март, чоршанба** № 17 (6604).
Баҳоси сотувда эркин нархда.

«ҲАР ТУНИНГ ҚАДР ЎЛУБОН, ҲАР КУНИНГ ЎЛСИН НАВРЎЗ»

БАЙРАМНИНГ АСОСИЙ ТАНТАНАЛАРИ АЛИШЕР НАВОИЙ ЕДГОРЛИГИ МАЖМУАСИ МАЙДОНИДА БЎЛИБ ЎТДИ

ТОШКЕНТ. 21 март. Халқимизда ажойиб ирим бор: гўё ошнинг таги — қирмочни кўп еган ёки кўнглида кир сақлайдиган кишининг тўй ва маъракасида, албатта, ёғин-сочин бўлармиш. Бу шунчаки тўқилган гап эмас. Ў халқимизнинг узоқ йиллик тажрибаси, кечмиш ва кўрмишидан кейин пайдо бўлган хулосадир. Зеро, унинг ҳақлигини Наврўз айёмидаги бугунги об-ҳаво ҳам яна бир карра исбот қилди. Чунки она табиат шу куни халқимиздан меҳр саховатини аямади. Бу эса байрам кайфиятини янада кўтарди, кишилар руҳига руҳ қўшди.

Ранг-баранг гуллар, довдарахтлар, турли туман шиор ва саҳна билан безатилган Алишер Навоий ёдгорлиги мажмуаси пойидаги майдон эрталабдан одамлар билан лиқ тўлди. Байрамга бу йил жуда катта тадорик қўрилганини сезиш қийин эмас. Хорижий давлат ҳамда республикамизда нашр этиладиган газета-журнал ва телерадиокомпания мухбирлари байрам иштирокчилари билан тинимсиз суҳбатлашар, уларнинг кўнглидаги покиза ният ва гапларни кўпчиликка етказишга шошилишарди. Майдоннинг ҳар икки томонида эса савдо расталари қад ростлаган: ундан хоҳлаган нарсангизни харид қилишингиз мумкин.

...Эрталаб соат 11. Алишер Навоий ҳайкали пойидаги шоҳсупадан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари жой олади. Тошкент шаҳар маҳалла оқсоқолларининг вакили О. Алимахсумов байрам тантаналарига оқ фотиҳа беради. У Оллоҳ таолодан Наврўз ҳар бир хонадонга мўл-кўл ризқ-насиба ҳамда тинчлик-омонлик келтиришини тилайди. Ана шундан кейин одатга кўра майдон узра карнай-сурнай садолари янгради. Айниқса, болажонларнинг шодлик ва қувончга тўла қўшиқ, рақслари дилларга ўзгача шуур бахш этди. Халқ ўйинлари асосида тайёрланган кичик-кичик саҳналар ўзига хослиги билан кўпчиликнинг назарига тушди.

УЛУҒ АЙЁМ МУБОРАК БЎЛСИН, ДЎСТЛАР!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим!

Она табиат инъом этган гўзал баҳор айёми — Наврўз умумхалқ байрами билан сизларни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Шубҳа йўққи, инсон қайси миллату динга, қайси халқу элатга мансуб бўлмасин, у аввалambор табиат фарзандидир. Асрлар мобайнида шарқ халқлари, жумладан, бизнинг ота-боболаримиз ҳам ушбу гўзал ва фаровон кунни байрам қилиб келганлар. Аммо юртимиз мустақилликка эришгандан бери бу байрам ўзгача теран мазмун касб этиб бораётгани қувончлидир.

Наврўз — йил боши, юртдошларнинг дил изҳори фасли. Бу айёмда гина-кудурат ва араз унутилади, халқлар, инсонлар муросага келади, аҳиллик, бирдамлик, меҳрибонлик қарор топади. Биз аждодлар жасоратидан руҳланиб, бебаҳо маданий-маънавий меросдан куч олиб, ғайрат-шижоат ва сабр-тоқат билан меҳнат қилиб, ушбу мураккаб ва шарафли тарихий жараёнда — янги давлат барпо этиш йўлида ўз қалбимизни, тафаккуримизни, руҳий дунёмизни намоён этаётган халқмиз.

Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг улуғ руҳий гўзаллиги ҳамда маънавий камолоти белгисидир. Бугунги интилиш ва уринишларимизнинг ҳаммаси ойдин келажагимизни белгилайдиган ишлардир. Ишонч билан айтаманки, бундан буён ҳам келадиган Наврўзлар халқимизга, жонажон, бетакрор она юртимизга зафарлар келтиргай, моддий ва маънавий фаровонлик инъом этгай!

Наврўз айёмида Оллоҳ таолодан нуроний отахон ва онахонларимизга сиҳат-саломатлик, катта умид ва ишонч билан ҳаётга кираётган навқирон ёшларимизга ғайрат ва шижоат, элимизга тинчлик-фаровонлик ато этишини сўрайман.

Шу улуғ айём арафасида халқимиз дилидаги эзгу ниятлар, энг пок мақсад ва муддаолар амалга ошсин, эл-юртимиз тинч ва обод бўлсин. Наврўзнинг хуш кайфияти, ҳаётбахш нур-зиёси қалбингизни, хонадонингизни ва умрингизни мунаввар этсин. Ҳар биригизнинг касб-корингизга, рўзғорингизга, умрингизга барака берсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ФАОЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Еш авлодни Ўзбекистон Республикасига ҳар томонлама садоқат ва ундан фахрланишдек олий туйғуларини тарбиялашда, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни камол топтиришда давлат ва халқ олдидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

I ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН:

АЛИМАХСУМОВ Ориф хон — Яккасарой тумани «Яккасарой 1» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри.

АМИРОВА Ҳалима — Сурхондарё вилояти кўп соҳали болалар шифохонасининг ҳамшираси.

ОСТОНОВА Малоҳат Узоқовна — Шаҳрисабз шаҳар марказий шифохонаси ўсмирлар шифоатхонасининг мудири, Қашқадарё вилояти.

ЖУ Эрик Асвалл — Бутун дунё Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (БССТ) Оврупо регионал бюросининг директори.

ИКРОМОВА Гулсара Усмоновна — Тўрақўрғон тумани марказий шифохонаси тўғруқхона бўлимининг акушер-гинекологи, Наманган вилояти.

ИНОМОВА Светлана Турсунбоевна — Андижон вилояти 1-кўп соҳали болалар шифохонасининг бош шифокори.

МИРЗАМУҲАМЕДОВ Маннаф Таматович — II-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг болалар касалликлари кафедраси мудири.

НАЙМУШИНА Людмила Викторовна — Жиззах вилояти оналик ва болаликни муҳофаза қилиш маркази туғруқхона бўлимининг катта акушеркаси.

НИШОНОВА Роҳила — Фарғона шаҳар 27-ўрта мактабнинг ўқитувчиси.

САВЕЛЬЕВА Ирина Алексеевна — Республика болалар асаб касалликлари шифохонаси бош шифокори, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви аъзоси.

ТАГАНИЯЗОВА Дамехон Мирзабоевна — Чимбой тумани марказий шифохона туғруқхона бўлимининг мудири, Қорақалпоғистон Республикаси.

ТЕМУРОВ Шукурсалим — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси.

ЎРУМБОЕВА Мавлуда Юнусовна — Оҳангарон шаҳар марказий шифохонасининг бош акушер-гинекологи, Тошкент вилояти.

ФЕДОРОВА Нина Павловна — Навбаҳор тумани марказий шифохонасининг акушер-гинекологи, Навоий вилояти.

ХОННАЗАРОВ Сапар — ўқитувчи, нафақахўр, Нарпай тумани фахрийлар кенгаши аъзоси, Самарқанд вилояти.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1994 ЙИЛНИ МИРЗО УЛУҒБЕК ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ ўзбек олими, мунажжим, математик, физик, меъмор, Темурийлар сулоласининг муносиб давомчиси, йирик давлат арбоби Муҳаммад Тарағай — Улуғбек (Мирзо Улуғбек) таваллудига 600 йил тўлиши муносабати билан:

Жамоат фикрини қувватлаб, алломанинг жаҳон илм-фани ва маданияти равнақига қўшган улкан ҳиссасини эътиборда тутиб;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият соҳасидаги ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош конференциясининг 27-сессияси қарорига кўра Мирзо Улуғбек юбилейи жаҳон қадриятлари рўйхатига — 1994 йилда дунё миқёсида нишонланадиган байрамлар қаторига киритилгани ва шу муносабат билан ташкил этиладиган халқаро тадбирларни ҳамда республикада олиб борилаётган улкан ҳайрли ишларни инобатга олиб;

Ёш авлод қалбида миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларнинг илм-маърифатга бўлган интилишини рағбатлантириш ҳамда мустақил Ўзбекистон ҳам фани ривожига кўмаклашиш мақсадида

1994 йил Ўзбекистон Республикасида Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 19 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1941—1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШДА ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг жаҳоншумул — тарихий аҳамияти ҳисобга олиниб, урушда ўзбекистонлик жангчиларнинг жасоратини ва халқнинг мамлакат ичкарисидаги қаҳрамонона, фидокорона меҳнатини қадрлаб, мамлакат ёшларини Ватанга муҳаббат ва миллатлараро дўстлик руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. 1995 йил 9 майда ғалабанинг 50 йиллиги куни умумхалқ байрами сифатида нишонлансин.

1941—1945 йилларда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш юзасидан ташкилот комитети тузилсин.

Ташкилот комитетига ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш дастури лойиҳасини бир ой ичида тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш топширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетининг 1995 йил апрелига қадар давлат буюртмасига мувофиқ ва давлат ҳисобидан хотира китоблари нашр этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитети хотира китобларини нашр этиш ва тарқатишдан тушадиган фойдадан олинадиган солиқдан озод қилсин. «Ўзулгиржибиржасавдо» акционерлик уюшмаси хотира китобларини нашр этиш учун зарур матбаа материаллари билан таъминлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик ва уни байрам қилишга доир тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медалини топшириш тартиби тўғрисидаги таклифни тайёрласин ва тақдим этсин.

5. Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик қандай бораётганини ва унинг нишонланишини кенг ёритиш Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларига топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 16 март.

«Йил тарбиячиси—94»

ҒОЛИБ БОҒЧА ОПАЛАР

Ўтган ҳафтада «Йил тарбиячиси» республика кўрик-танлов ғолиблари аниқланди. Биринчи ўринни Қашқадарё вилоятидаги Шўртангаз бирлашмасига қарашли Нодирабегим номидаги болалар боғчаси тарбиячиси Соҳиба Ҳўжахонова (суратда ўртада). иккинчи ўринни Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 2-болалар боғчаси тарбиячиси Гулнора Абдураҳмонова, учинчи ўринни Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 26-болалар боғчаси тарбиячиси Хурсаной Орипова эгаллади.

Кўрик-танлов ҳақидаги мақолани газетамизнинг кейинги сонида ўқийсиз.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

МЕҲРИБОНЛИК

Наврўз кунлари Наманган вилояти ҳокимлиги Тошкент давлат университетида таҳсил олаётган наманганлик ўғил-қизлар ҳолидан хабар олди. Вилоят ҳокими муовини Маҳмуджон Алишеров талабаларни байрам билан қизғин қутлаб, уларнинг илм сирларини мукаммал ўрганишига ҳамда вилоят, қолаверса республикамиз тараққиётига муносиб улуш қўшадиган фидойилар бўлиб етишишга муваффақиятлар тилади.

Шу куни талабаларга ош тортилди. Ҳокимлик томонидан йигитларга кўйлак, қизларга бир кийимликдан мато ҳадя этилди.

– Университетимизда Наманган вилоятидан 107 нафар талаба ўқийди. Бугунги тадбир улар кўнгилларини шодлантирди. Асосийси, ёшлар ўз меҳрибонлари борлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилишиб, улар олдига ёруғ юз билан қайтишга ҳаракат қилажакларини айтишди, – деди университет проректори Анвар Юнусов.

С. ТОШМАТОВ

Маърифат

1994 йил 23 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ФАОЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

ХЛЕБУШКИНА Антонина Павловна — 22-болалар уйининг директори, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви аъзоси, Тошкент шаҳри.

ЭШОНТЎРАЕВА Сора — актёр, нафақахўр, Тошкент шаҳри.

ЦОЙ Лилия Иннокентьевна — Хоразм вилояти болалар шифохонаси асаб касалликлари бўлимининг мудири.

ҚОДИРОВА Соня Бўриевна — Бухоро шаҳар 4-болалар поликлиникаси бош шифокори, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси.

ҒУЛОМОВА Дилфуза Ғуломовна — республика диагностика маркази директори, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви аъзоси.

ҲАМДАМОВА Раъно Султоновна — Собир Раҳимов тумани 21-болалар поликлиникасининг педиатри, Тошкент шаҳри.

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН:

АБДУЖАББОРОВ Абдуқаҳҳор — Жиззах шаҳар, индустриал техникумининг жисмоний тарбия ўқитувчиси.

АҲМЕДОВ Ўрол — Шеробод тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги врачлик амбулаториясининг мудири, Сурхондарё вилояти.

АШРАПОВА Муқаддам — шифокор-жарроҳ, нафақахўр, республика фахрийлар кенгаши аъзоси.

БЕГМАТОВА Ширинхон — Қўқон шаҳар, 2-болалар поликлиникасининг ҳамшираси, Фарғона вилояти.

ЕРМАТОВ Шермат — Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси қошидаги «Булбулча» катта болалар хорининг бош дирижёри ва бадиий раҳбари.

ЖЎРАЕВ Маҳмуд Жўраевич — Олот тумани, 29-мактабнинг ўқитувчиси, Бухоро вилояти.

ЖЎРАЕВА Хосият Ҳамиджоновна — «Шарқ гули» акционерлик жамиятининг ишчиси, Тошкент шаҳри.

ЗАГРЕБАЛОВА Мария Семеновна — Сирдарё тумани марказий шифохонаси туғруқ бўлимининг акушеркаси.

ИБРОҲИМОВА Гулчеҳра Билоловна — Қибрай тумани «8-Март» санаторийсининг бош шифокори, Тошкент вилояти.

ИСРОИЛОВА Хабибахон — Наманган шаҳар 3-болалар поликлиникаси участка ҳамшираси.

КАРИМОВ Фозилжон — Ангрен шаҳар, фахрийлар кенгаши раиси, ўқитувчи, Тошкент вилояти.

КУДЕЛИНА Наталья Михайловна — Андижон шаҳар 2-туғруқхона уйининг акушер-гинекологи.

ОБЛОҚУЛОВ Зокир — Пахтачи тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқитувчиси, Самарқанд вилояти.

ПРОШЕНКО Любовь Ивановна — Собир Раҳимов тумани 2-аҳли заиф болалар уйининг тарбиячиси, Тошкент шаҳри.

РАЖАБОВ Абдулла — Урганч шаҳар 3-маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти.

РАСУЛОВА Клара Ҳалимовна — Хива тумани марказий шифохонаси клиник-диагностика марказининг акушер-гинекологи, Хоразм вилояти.

РАҲМАТУЛЛАЕВ Маҳмуд — Навоий тумани Қ. Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги қишлоқ амбулаториясининг мудири, Навоий вилояти.

САЪДУЛЛАЕВА Яйра Убайдуллаевна — «Ғунча» журналининг бош муҳаррири, Тошкент шаҳри.

СУЛАЙМОНОВА Фозила Комиловна — Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтининг катта илмий ходими, Тошкент шаҳри.

ТОШМАТОВА Маъмура Абдуллаевна — Сирдарё вилояти шифохонасининг акушер-гинекологи.

УМАРОВА Дилбар — Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг муовини.

ШОМУРАТОВ Худоёр — Амударё тумани оналик ва болалик бўйича бош шифокор ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси.

ҲУСАИНОВА Дилбар Бўроновна — Ургут тумани Ж. Мирзаев номидаги марказий шифохона туғруқхона бўлимининг акушеркаси, Самарқанд вилояти.

ЭКРЭМ Берердинч — Халқаро болалар жамғармаси ташкилоти (ЮНИСЕФ)-нинг Қозоғистон ва Марказий Осиё республикаларидаги ваколатчиси.

ҚОСИМОВА Мастура — Пойтуғ шаҳри, 1-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Андижон вилояти.

ҚУРБОНОВ Мамазиё — Олтиариқ тумани маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти.

ҚЎЧҚОРОВА Гулнора Мараимовна — Акмал Икромов тумани 394-«Ором» болалар боғчасининг мудири, Тошкент шаҳри.

ҲАМДАМОВ Араб — Нишон тумани, 2-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 март.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида

АХЛОҚ МЕЪЁРЛАРИ—БОШ МЕЗОН

Кишилик жамиятини инсоний ва ахлоқий меъёрлар бошқариб туради. Шунинг учун ҳам ёш авлодни болаликдан юксак ахлоқ меъёрлари, миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш истиқбол аҳамиятига молик вазифадир. Бу муҳим вазифа барча таълим ва тарбия масканлари, оила, маҳалла, жамоатчилик, ҳуқуқ-тартибот идоралари яқин ҳамкорликда иш юритишларини тақозо этади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Прокуратураси вакиллари иштирокида ўтказилган анъанавий қўшма ҳайъат йиғилишида ана шу ҳақда фикр юритилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев олиб борди.

Кун тартибидаги биринчи масала — «Фарғона вилояти ўқувчи ёшлари ўртасида қонунбузарликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида» вазирликнинг мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармаси бошлиғи Марат Шафиев ахбороти тингланди.

Музокараларда Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўрабой Хўжақулов, Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов, Ўзбекистон Прокуратураси вояга етмаган ўсмирлар билан ишлаш бўлимининг бошлиғи Олим Оқилов, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги вояга етмаган ўсмирлар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи Ботир Парпиев сўзга чиқдилар.

Йиғилишда Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси ва унинг бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари, фахрийлар кенгашлари билан ҳамкорликда ўқувчи ёшлар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олиш бўйича бирмунча ишларни амалга оширганлиги қайд этилди. Вилоятда, шунингдек «Оила, мактаб, маҳалла, жамоатчилик» ҳамкорлигида йиғилишлар, кечалар, учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш йўлга қўйилган. Қўқон шаҳри Учкўприк, Данғара туманларида ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшлар учун мактабдан ташқари муассасалар қошида касб-ҳунар ўргатувчи қисқа курслар, «Уста-шогирд» мактаблари ташкил этилган. Вилоят ҳокимлигининг бевосита иштирокида тарбиявий ишлар маркази тузилди ва иш бошлади.

Бироқ, шунга қарамай, ўқувчилар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олиш бўйича вилоятда жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмаётир. Ўқувчи ёшларни мактабдан ташқари муассасаларга ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишда сусткашлик қилинмоқда. Ачинарли томони шундаки, ўқитувчилар ўртасида муаллимдек шарафли номга доғ тушираётганлар ҳам учраб турибди. Бу вилоят халқ таълими бошқармаси «Ўқитувчилик одоби кенгашларини тузиш тўғрисида»ги буйруғини бажаришга эътиборсиз қараётганлигини, ўқитувчиларни шартнома асосида ишга қабул қилиш жиддий йўлга қўйилмаганлигини кўрсатади.

Бундай камчиликлар фақат Фарғона вилоятигагина тегишли эмас. Ҳайъат йиғилишида масаланинг ана шу жиҳатига ҳам алоҳида эътибор берилди. Мактабларда «Ҳуқуқ», «Инсон ва ҳуқуқ» дарслари сифатини янада яхшилаш, шу соҳа ўқитувчилари учун қисқа муддатли курслар ташкил этиш зарурлиги уқдирилди. «Балоғатга етмаган ёшлар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш низоми» тасдиқланди. Кенгаш халқ таълими, прокуратура, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, адлия идоралари билан ҳамкорликда иш юритади.

Ҳайъат йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишнинг якунлари асосида халқ таълими муассасалари, умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари олдида турган вазифалар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан Республика талаба танлов маркази директори Музроб Қурбоновнинг маърузаси тингланди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққанлар тест синов усули аввалги тартибга нисбатан афзаллиги билан эътибор қозонганлигини таъкидлаш билан бирга, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб уни янада такомиллаштириш, мактабларда таълим-тарбия савиясини замон талаблари даражасига кўтариш зарурлиги ҳақидаги фикрларни ўртага ташладилар.

Кўрилган ҳар икки масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи консультанти Ислом Турсунов иштирок этди ва сўзга чиқди.

МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ ТЎПЛАШ— ВАТАНПАРВАРЛИК ИШИ



Муртазо СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, вазирлик қошидаги металл парчалари тўплаш ва топшириш бўйича Республика штабининг бошлиғи.

Металл — саноатнинг нони, дейишади ишчилар. Дарҳақиқат, металл саноат ишлаб чиқаришининг асосидир. Зотан, мустақил республикамиз халқ хўжалиги тараққиётини турли металларсиз тасаввур қилиш қийин. Бугунги кунда мамлакатимизда машинасозликдан тортиб қурилишларгача қора ва рангли металга катта эҳтиёж сезилаяпти. Айниқса, бозор иқтисоди шароитида бу янада яққол кўзга ташланмоқда. Ана шу эҳтиёжнинг маълум бир қисмини қондиришда иккиламчи хом ашёдан, яъни металл парчаларини йиғиб, қайта ишлашдан фойдаланиш муҳим умумдавлат аҳамиятига молликдир. Бу ватанпарварлик ишига билим масканлари ўқувчилари, талабалар ҳам муносиб улуш қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимининг ўқув муассасалари ва ташкилотларида кўп йиллардан бери металл парчаларини тўплаб топширишдек яхши анъана мавжуд. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилингандан кейин бу анъана моҳиятан янгича маъно касб этди.

Ўтган йили жумҳурият халқ таълими муассасаларида қора ва рангли металл парчаларини тўплаб топширишда қандай натижаларга эришилди? 1994 йилда мазкур соҳадаги режалар ва ташкилий ишлар қандай? Бу саволларга бугунги кунда батафсил жавоб бериш мумкин.

Маълумки, вазирлигимиз қошида ташкил этилган металл парчалари тўплаш ва давлатга топшириш бўйича Республика штаби тўрт йилдан бери ташкилотчилик ишлари олиб бормоқда. Айтиш мумкинки, чиқинди қора ва рангли металл парчаларини йиғиб, давлатга топшириш мактабларимиз ўқувчилари, олий ва ўрта педагогика, ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг шунчаки саховатли ишигина бўлиб қолмай, айни пайтда Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга улар томонидан қўшилган муносиб улуш бўлаётир. Бу ёшларимизнинг она юртга, элга, истиқлолга садоқатининг амалий кўригига ҳам айланаяпти.

Саховатли иш моҳиятини ҳар бир ўғил-қизга чуқур англатишга эришаётган мактаб ва ўқув юртларида, билим масканлари маъмуриятларининг раҳбарлари, металл парчалари тўплаш ва топшириш бўйича тузилган штабларнинг аъзолари, ташкилотчилик ишини уюшқоқлик билан олиб бораётган жойларда, шубҳасиз, яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Уларнинг ўғил-қизлар фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлари ва ташкилотчилик ишлари туфайли ўтган 1993 йилда вазирлигимиз бўйича қора ва рангли металл парчалари тўплаш ҳамда топшириш давлат буюртмаси бажарилди. Қорақалпоғистон республикаси Халқ таълими вазирлиги, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах, Тошкент, Навоий, Хоразм, Сирдарё, Фарғона ва Бухоро вилоятлари халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Бухоро ва Тошкент индустриал-педагогика техникуми, Наманган, Гулистон, Ангрен, Бўз, Самарқанд, Каттақўрғон педагогика билим юртлари ва бошқа ўқув юртлари ҳамда вазирлик тизимидаги қатор ташкилотлар, белгиланган режаларни ошириб адо этдилар.

Қора ва рангли металл парчаларини тўплаб, давлатга топширишда ўз ташаббускорлигини кўрсатган мактаблар, олий, ўрта педагогика ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари, ташкилотлар ва муассасалар жамоалари билан бир қаторда тузилган режаларга эътиборсиз қаровчи, ташкилотчиликда сусткашлик қилувчи айрим ўқув юртлари маъмуриятлари ҳамда штаблар ҳам пировард натижада яққол кўриниб қолди. Денов, Тошкентдаги Ленин номли, Ражабий номли педагогика билим юртлари, Республика машинасозлик бўйича ўқув-ишлаб чиқариш маркази Андижон, Самарқанд, Қўқон, Хоразм вилояти таълим таъминоти базалари бир тонна ҳам металл парчаси тўплаб топширмадилар. Металл парчалари тўплаш ва давлатга топшириш режаларини сурункали равишда бажармаганликлари учун бу билим юртлари ва ташкилотлар маъмуриятларининг раҳбарларини Республика Халқ таълими вазирлиги ҳайъати муҳокама этиб, тегишли чора кўрди.

Ишга масъулиятсизлик билан ёндашиш натижасида бир қатор педагогика билим юртлари ва халқ таълими бошқармалари қошидаги хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ўтган йили қора ва рангли металл парчалари йиғиб топшириш режасининг ярмини ҳам бажара олмадилар. Режанинг бор-йўғи 10-20 фоизини уддалаган Тошкент шаҳар ўқувчилар саройи, Хоразм хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти, Республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази, Крупская номли педагогика билим юрти, Андижон хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш ташкилоти раҳбарларининг бу муҳим масалага қарашларини қандай изоҳлашга ҳам ҳайрон қолади, киши. Умуман, Ўзбекистон мустақиллигини иқтисодий мустаҳкамлашга хизмат қиладиган умумдавлат аҳамиятига молик бу ҳаракатда ҳар бир билим маскани фаол қатнашиши ва юқори натижага эришиши шарафли иш эканлигини унутмаслик лозим.

Қора ва рангли металл парчалари тўплаш ҳамда давлатга топшириш ишида ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик, бу соҳада давлат буюртмасининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги шу йил 17 январда махсус буйруқ чиқарди. Бу ҳужжатга кўра, 1994 йилда қора ва рангли металл парчалари йиғиб топшириш режаларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва бу ишга мунтазам раҳбарликни амалга ошириш учун Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Марказий штаби тузилди. Вазир ўринбосарлари, Бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар бошлиқлари ҳар бир вилоятга амалий ёрдам кўрсатиш ва режаларнинг бажарилишини назорат қилиш учун бириктириб қўйилди.

Жойларда темир-терсак парчаларини тўплаш ва топширишга мунтазам раҳбарликни таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, барча вилоят халқ таълими бошқармалари, педагогика олий ва ўрта ўқув юртлари раҳбарларига шахсан ўзлари бошчилик қиладиган штаблар тузиш топширилди.

Қора ва рангли металл парчалари тўплаш ҳамда топшириш режаларини жойларда бажаришни изчил таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри бўйича тузилган ишчи гуруҳлар халқ таълими маҳаллий бошқармалари ва ўқув юртлари раҳбарлари қатори металл парчалари топшириш режаларининг бажарилишига жавоб берадилар.

Мана, 1994 йилнинг учинчи ойи ҳам ўтиб бормоқда. Бироқ айрим ўқув юртлари металл парчалари тўплаш ва топширишдек вазифани бажаришга ҳанузгача уюшқоқлик билан киришганларича йўқ. Вилоят халқ таълими бошқармаларининг раҳбарлари, педагогика билим юртлари директорлари, жойлардаги штабларнинг раҳбарлари, ишчи гуруҳлари бундай камчиликларни зудлик билан бартараф этишлари, аҳволни яхшилаш чора-тадбирларини кўришлари, назорат ишларини кучайтиришлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғини тўла-тўкис бажаришга бутун куч-ғайратларини сафарбар этишлари лозим.

Маълумки, мактаблар, болалар боғчалари, олий ва ўрта педагогика ҳунар-техника билим юртлари биноларидаги иситиш тизимларини таъмирлаш учун керак бўлган металл қувурлар Россия ва Украина металл-прокат заводларидан келтирилар эди. Ҳозирги пайтда бу қувурларни сотиб олиш учун пул ўтказишда анча қийинчиликлар юзага келди. Шунинг учун, асосан металл қувурларни ва қурилиш учун зарур, бошқа темир маҳсулотларни Тошкент вилоятининг Бекобод металлургия заводидан олаяпмиз. Бу корхона айни кунда ўқувчи ва талабаларимиз тўплаган қора металл парчаларини эритиб, қувурлар шаклига киритиб, маҳсулотнинг бир қисмини халқ таълими тизимидаги биноларни таъмирлашга ажратмоқда. Бу қувурлар биринчи навбатда металл парчаларини ўз вақтида топширган билим масканлари жамоалари эҳтиёжи учун берилаётир. Демак, металл чиқиндиларини қанча кўп тўплаб, давлатга топширишга эришсак, билим масканлари биноларини таъмирлашдаги металл буюмларга бўлган эҳтиёжни шунча қондирган бўламиз.

Ишончимиз комилки, Халқ таълими вазирлиги қошидаги металл парчалари тўплаш ва давлатга топшириш бўйича Республика штаби, жойлардаги штаблар ва ўқув юртларининг раҳбарлари мустақил Республикамиз саноатининг муҳим хом ашёси бўлган иккиламчи хом ашёни йиғишдек шарафли вазифани бу йил ҳам уюшқоқлик билан олиб борадилар, режадаги 6500 тонна қора ва 78 тонна ранглик металл парчаси топширишни 15 майгача ошириб бажарадилар. Бу халқ таълими тизими муассасалар жамоаларининг чинакам ватанпарварлигининг амалий натижаси бўлиб қолади, албатта.

ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АМАЛДА

ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Умумтаълим мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳамда ҳунар-техника, педагогика билим юртлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларда давлат тилини амалга ошириш бўйича вазирлик қошида ташкил этилган назорат гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда умумтаълим мактабларини ўзбек тили фани бўйича мутахассислар билан таъминлаш, Тошкент вилояти халқ таълими бўлимида давлат тилини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар каби масалалар муҳокама этилди.

Ҳар икки масала юзасидан вазирлик қошидаги умумий ўрта таълим бош бошқармасининг ходими К. Эгамбердиев маърузаси тингланди. Жумладан, давлат тилини ҳаётга татбиқ этишда, уни мактаб, боғча ва ҳунар билим юртларининг ўқувчиларга ўргатишда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасидаги аҳвол чуқур таҳлил этилиб, бу борада йўл қўйилаётган жиддий нуқсонлар рўй-рост айтилди.

Вилоятдаги Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Пискент, Оққўрғон каби туманлардаги билим масканларида аҳвол кузатилганда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда шу фанни ёшларга ўргатувчи мутахассислар бор-йўғи қирқ беш фоизни ташкил этиши ёки бу жойларда давлат тилини амалда қўллашда туман, шаҳар халқ таълими бўлими мутасаддиларининг ишни ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Айни пайтда вилоятда, — деди маърузачи, — ўзбек мактабларидан ташқари 240 та аралаш илм маскани ҳам бор. Лекин вилоят халқ таълими бўлимидагилар давлат тилини амалда қўллашдек муҳим масалани ўз йўлига ташлаб қўйганлиги оқибатида мавжуд 240 та илмгоҳнинг 198 тасида ўзбек тили гуруҳларга бўлиниб ўқитилаяпти, бу мактабларда 558 нафар ўзбек тили фани мутахассиси етишмайди.

Ачинарлиси, Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганлигига тўрт йилдан ортиқ вақт ўтаётганлигига қарамай вилоят халқ таълими бошқармасининг ўзида саккиз нафар мутахассис давлат тилида аранг гапирадилар. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика Ўқув-методика маркази, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти юборaётган тавсияномаларни жойларга етказиб, тил ўргатиш борасида ташаббуслар билан чиқиш ўрнига у ердаги мутахассисларнинг ўзлари ёрдамга муҳтож бўлиб тургач, аҳволни ўнглаб бўладими?

Болалар боғчаларидаги, ҳунар-техника билим юртларидаги аҳволни ҳам кўнгилдагидек дейиш қийин. Бу масканларнинг айримларига юқори ташкилотларнинг давлат тилига доир тавсияномалари ҳам етиб келмаган...

Йиғилишда Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи муовини И. Саиджонов иштирок этиб, маъруза қилди.

Маърузалардан сўнг йиғилганлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, тегишли қарор қабул қилдилар.

Мухбиримиз.

Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 3-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Зубайдилло Раҳматов ҳар бир дарсни ўзига хос услублар асосида ўтишга ҳаракат қилади. Натижалар чакки бўлмаяпти. Устоз таълим бераётган «3-Б» синф ўқувчилари тўла ўзлаштиришга эришаётир.

Суратда: З. Раҳматов математикадан навбатдаги машғулотни ўтаётган пайт.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

ҲАР ЮРАКДА БАҲОР ҚУВОНЧИ

Жомурод ЖИЛОВОВ,
Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини:

— Деҳқон далада, ишчи корхонада, муаллим мактабда кутган баҳор айёми — Наврўз келди. Бу байрам фаровонлик, тўкин-сочинлик, қут-барака рамзидир.

Бошқармамиз бу кунга аввалдан пухта ҳозирлик кўрди. Косон, Қарши, Шаҳрисабз ва Ғузор туманларида Наврўз айёми шарофати билан «Янги йил ярмаркаси» ташкил этилиб, ўқувчи ва ўқитувчилар учун зарур бўлган дафтар, қалам, ручка ва китоблар, кийим-кечаклар сотилди.

Халқ таълими бошқармаси қошида ташкил этилган махсус гуруҳ туман ва шаҳарлардаги ногирон, қаровчиси йўқ оилаларни бориб кўрдилар, уларга турли-туман совғалар улашишди. Хуллас, Наврўз анъанаси давом этмоқда. Мактаблар, ўқувчилар ўртасида фан олимпиадалари, бадиий кечалар ташкил этиш, ўқувчилар гуруҳларидан иборат бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қариялар уйларида бўлиб, концертлар уюштиришни ҳам режалаштирганмиз. Сарф-харажатларни эса биз билан ҳамкорлик қилаётган кичик корхоналар ва ширкатлар ўз зиммасига олган.

Рустам РАҲИМОВ, Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги тарбиявий ишлар шўъбаси ходими:

— Улуғ айём — Наврўз байрами баҳорга мўлжалланган муҳим ишларимиз ила чамбарчас боғланиб кетиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Айнан шу куни вилоятимизда Марказий Осиё ўқувчилари ўртасида кино-фото ҳаваскорларининг биринчи маротаба бўлаётган фестивали ўз ишини бошлади.

Наврўз кунигача барча умумтаълим мактаблари, билим юртлари, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалар тасарруфида бўлган экин майдонларига, ер-участкаларига қайта ишлов берилиб, экишга тахт қилиб қўйилди. Ободонлаштириш ишлари ҳам ортиғи билан бажарилди. Шу куни бажарилган ишлардан тушган маблағнинг бир қисми ночор оилаларга ёрдам тариқасида тақдим этилди.

Мир НАЗАРИЙ, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи:

— Хоразмда Наврўз айёми ўзгача тароват касб этиб, алоҳида тайёргарлик билан кутиб олинади, десам муболаға бўлмайди. Шу куни вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида, қишлоқларда эрта тонгданоқ сурнай садолари оламни тутди. Дошқозонларда эса сумалаклар осилган. Байрамнинг тансиқ таомлари ҳақида гапларни мафтун этади.

Бу байрамга вилоят халқ таълимида меҳнат қилаётган ўқитувчиларимиз ҳам, ўқувчи ва тарбиячилар ҳам аввалдан пухта ҳозирлик кўрдилар. Вилоятдаги бошқа кўплаб соҳаларда меҳнат қилаётган кишилар қаторида маорифчи ва ўқувчилар ҳам ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этдилар.

Олий таълим хабарлари

ДОШҚОЗОНДА СУМАЛАК...

Бугун Наврўз шарофати билан талабалар ётоқхоналарида ҳам дошқозонларда сумалак, ҳалим ва баҳорнинг тансиқ таомлари пиширилмоқда. Талаба йигит ва қизларнинг чеҳраси ёркин юзларида табассум, лабларида кулгу.

— Тошкент техника дорилфунунида таҳсил оламан,— дейди Раънохон Рўзиева.— Уч йилдан буён Наврўзни ётоқхонада кутиб оламан. Тўғриси бу байрамни кутиб олиш биз талабалар ўртасида ҳам яхши йўлга қўйилган. Мана, ётоқхонамиз ҳовлисида дастурхон безатилиб, тансиқ таомлар улашилмоқда. Кечда эса байрам давом этиб, базмга айланди. Сарф-харажатларни университетимиз ўз зиммасига олди. Бу каби ғамхўрликлардан сўнг биз янада белни маҳкам боғлаб ўқимасак, инсофдан бўлмаса керак...

— Дорилфунунимизда байрамга алоҳида тайёргарлик кўрилди,— дейди Қарши давлат дорилфунуни чет тили ўқитиш кафедраси ўқитувчиси Ўрол Нурқобилов.— Наврўзга бағишлаб гуруҳлар ва факультетлараро, ётоқхоналараро, бошқа илмгоҳлар билан ҳам турли мусобақалар, спорт ўйинлари уюштирилди. Мусобақаларда университетимиз ўқитувчи ва талабалари юқори кўрсаткичларга эришди.

— Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 5-билим юрти ўқитувчилари, талабалари ҳам Наврўз айёмини кўтаринки кайфият, ўзгача қувонч билан кутиб олди,— дейди илмгоҳ директори С. Қўлдошева.— Илмгоҳимизда янгича асосда ташкил этилган тўққизта мутахассислик бўлиб, уларнинг барчаси ҳам ишлаб чиқариш билан боғланган, ўзини ўзи бошқаришга ўтган.

Байрам муносабати билан устахоналаримизда ўқувчилар томонидан тайёрланган халқ истеъмоли моллари, рўзғор учун зарур буюмлар вилоят марказида ташкил этилган ярмаркага чиқарилиб, бозордагидан арзон нархларда сотилди. Талабаларимиз ободонлаштириш ишларида фаол қатнашиб, бадиий кечалар, «Кел, баҳорим — кел, Наврўзим» номли чиқишлари билан деҳқонлар, шаҳар аҳолиси хизматида бўлдилар.

Ҳа, хоҳ ишчи бўлсин, хоҳ талаба, умуман, туркий ва форсий эллар қаторида Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган кўпминг сонли байналмилал қишилар учун ҳам интизорлик-ла кутилган баҳор айёми — Наврўз келди. Унинг қутлуғ қадами ҳам юртимизда бўлаётган тарихий ўзгаришлар билан чамбарчас боғланиб кетади, истиқлолимиз келтираётган ҳурликни, озодлик ва гўзаллик, халқлар дўстлиги, меҳр-муҳаббатни ўзида мужассамлаштиради.

Мухбиримиз.

Яшил боғлар — юрт кўрки

ТЕРАКЗОРЛАР — МАКТАБ БОЙЛИГИ

Республикамизнинг келгусида иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаши айни пайтда тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан меҳнат қилишимизни тақозо этади. Бу халқ таълими соҳаси учун ҳам тўла тааллуқлидир. Бугунги кунда халқ таълими ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш борасидаги муаммоларни қисқа фурсатларда ҳал қилиш учун қўшимча имкониятларни излаб топиш ва ишга солиш ҳаракатини авж олдиришимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилган «Саноат теракчилигини ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори бизни ана шундай ички имкониятларни қидириб топишга даъват этади. Маориф муассасаларининг ўқув-моддий базасини кенгайтириш масаласи кун тартибида турган ҳозирги шароитда бу қарорни имкони бор таълим муассасаларида ҳам амалга ошириш, айниқса, муҳимдир. Яқинда республикамизнинг бир гуруҳ маорифчи фахрийларининг — мураббий-устозларимизнинг «Маърифат» газетаси орқали «Республикадаги халқ таълими ходимлари, муаллим-мураббийлар, маҳалла фаоллари, ўқувчилар, талабалар, педагог-фахрийлар, Ўзбекистоннинг барча меҳнат аҳлига Мурожаатнома»сини бахмаллик халқ таълими ходимлари ва жамоатчилик дилимиздаги гаплар деб, юксак баҳоладилар ва амалий ишга киришдилар.

Туманимиз маорифчилари мактаб жамоаларининг кучи билан иморатбоп ёғоч тайёрлаш борасида маълум тажрибага эга. 1985 йилдан бошлаб ҳар бир мактабда 4—5 сотих ерда теракзор яратиш ҳаракати бошланган эди. Ҳозирги кунда мактаблар қошида ташкил этилган теракзорларнинг умумий майдони 2—2,5 гектарни ташкил этади. Бу теракзорларда йилига 100—150 куб метр ёғоч тайёрланяпти. Кейинги беш йил давомида ўстирилган мактабларида ўстирилган теракзорлар ҳисобига 200 дан зиёд қўшимча синф хоналари қурилди. Теракзорлар ҳисобидан тушган тушумдан мактабларни мураккаб ва жорий таъмирлаш жараёнида фойдаланилди. Бу далиллар мактаб теракзорларининг қанчалик самарали даромад бериши мумкинлигини кўрсатади, албатта.

Ёғочбоп дарахтлар ўстиришда туманимиздаги 5, 14, 17, 28, 34, 39, 40-мактабларнинг жамоалари ибратли ишлар қилишмоқда. Уларда ўстирилиб, ёғочбоп бўлган теракларнинг бир қисми сотилиб, мактаб эҳтиёжи учун фойдаланилмоқда. Ж. Букенбоев номли 21-ўрта мактабда эса терак кўчати етиштирувчи махсус участка ҳам ташкил этилган.

Мактабларимизда боғдорчиликка ҳам катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда 34 та мактабда боғлар мавжуд. Бу боғларда табиий шароит яхши келиб, ҳосил мўл бўлган йиллари ўртача 45—50 тоннагача турли хил мева ҳосили олинаётир. Айниқса, 8, 18, 19, 22, 36, 50, 51-мактабларнинг боғлари ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, 1993 йилда Й. Охунбобоев номидаги 14-ўрта мактаб педагогик жамоаси янгидан 4 гектар боғ барпо этиб, савобли ишга қўл урди.

Теракзор ва боғлар даромад манбаи эканлигини кўпгина маорифчиларимиз амалда англаб етдилар. Бироқ, афсуски, бундай боғ ва теракзорлар ҳамма мактабларимизда ҳали мавжуд эмас. Ҳолбуки, бундай теракзорларни барча ўқув даргоҳларида ташкил этиш учун тўлиқ шароит бор.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига жавобан биз ҳар бир мактабда боғ ва теракзорлар майдонини кенгайтириш чора-тадбирларини кўряпмиз. Дастлабки ҳисоб-китоблар теракзорларни 5—6 гектарга, боғларни 20—25 гектарга етказиш имконияти борлигини кўрсатмоқда. Бу режа амалга оширилса, 10 йилдан кейин мактабларимизда ҳар йили қарийб 1000 куб метрдан ортиқ ёғоч ва юзлаб тонна мева тайёрлаш имконияти вужудга келади. Бу мактаблар учун катта бойлик бўлади.

Яқинда туманимиз ҳокими Х. Суюновнинг сайёҳаракати билан барча мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш мақсадида хўжаликлардан 3—5 гектар суғориладиган ер майдонлари ажратилди. Бу ер участкалари атрофида ҳам ёғочбоп ва мевали дарахтлар барпо этишни режалаштиряпмиз.

Мана, ватанимизда Наврўз нишонланди. Наврўз элимиз учун катта байрамгина эмас, балки ўлкамизни яшартириш, бойлигини ошириш, келажакка замин ҳозирлаш ҳаракатининг муқаддимаси ҳамдир. Шунинг учун айни наврўз кунларида кўчат экиш ойлигини ҳар бир мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида юксак уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳар бир туп кўчатни тўлиқ кўкартириб олиш ва унинг гуркираб ўсишини таъминлаш бизнинг асосий вазифамиздандир. Бу бизнинг бозор иқтисодиёти жараёнини бошидан кечираётган мустақил республикамизнинг иқтисодини мустаҳкамлашга муносиб ҳиссамиз ҳам бўлади.

Сандаҳмад МИРЗАБЕКОВ,
Жиззах вилояти Бахмал тумани халқ таълими бўлимининг мудири.

• Қутлаймиз!

ТИЛШУНОС ОЛИМ, МОҲИР ПЕДАГОГ

«...Ишим яхши. Қийинчилик йўқ. Лекин топшириқлар кўп, юмушларим бошдан ошиб ётипти. Булар қийин ва оғир ишлар эмас. Фақат уларни бажаришга вақт етишмайди. Майли, бу ишларни бажариш биздек ёшларнинг бурчимиз. Шу жамоат ишларини бажариб, ишдаги қийинчиликларни енгиб ўтсак, бурчимизни бажарганимиз шу!»

Юқоридаги сатрлар 1955 йилнинг 21 ноябрида ёзилган мактубдан олинди. Эндигина университетни тамомлаб, Сурхондарё вилоятининг Узун районидаги 1-мактабда тил ва адабиётдан дарс бераётган дўстим Карим Назаровнинг бу хати студентлик давримда олган бир китобим орасидан чиқди. Студентлик даврининг тўрт йилини бир ётоқхонада ўтказган, бир бурда нонни тенг бўлиб еган дўстимнинг сўзларида унинг бутун қиёфаси, ички дунёси яққол сезилиб турибди.

Тошкент давлат университетининг кафедра мудири, профессор Карим Назаровни эндиликда кўпчилик яхши танийди. Унинг ўзбек тилшунослиги масалаларига, мактаб таълимини такомиллаштиришга оид мақолаларини газета ва журналларда тез-тез учратиш мумкин. Радио ва телевидение орқали чиқишлари, ўз мазмундорлиги, нутқ жозибаси билан томошабинлар ва тингловчилар эътиборини тортади.

Ёшлик ғайрати, илмга чанқоқлик Карим Назаровни юксакликка кўтарди. Ўзбекистоннинг энг чекка районида у тезда обрў қозонди. Бир йил ишлагач, илмий бўлим мудири, яна бир йилдан сўнг 4-мактабга директор этиб тайинланди.

Карим Назаров ўқитувчилик фаолиятининг бошиданоқ ўқувчилар саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор берди. Мактабда адабиёт ва драма тўгараги ташкил этди. Унинг шогирдлари IV жаҳон ёшлар фестивали муносабати билан ўтказилган вилоят ва республика кўригида совриндор бўлишди.

Мана, ўттиз етти йилдирки, унинг меҳнат фаолияти университет билан чамбарчас боғлиқ. 1958—61 йилларда ўзбек тилшунослиги кафедрасида аспирант бўлди. Профессор Аюб Ғуломов раҳбарлигида «Ўзбек шеваларида эгалик қўшимчалари» мавзусида илмий тадқиқот ишини олиб борди ва муваффақиятли ҳимоя қилди.

Тилшунослик фанини тадқиқ этишга студентлик йилларидаёқ киришган заҳматкаш олим ўтган давр мобайнида 130 дан ортиқ номда 95 босма табоқ ҳажмда илмий асарлар эълон қилди. Улар орасида учта монография, иккита дарслик, 9 та ўқув қўлланмаси, 5 та дастур ва кўплаб илмий-назарий ва илмий-методик мақолалар бор.

Карим Назаров кейинги йилларда «Ўзбек ёзма, адабий тили грамматикаси» мавзусида кўпгина ишларни амалга оширди, газета ва журналларда, илмий-амалий анжуманларда Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг амалиётга ва она тили таълими муаммолари ҳақида кўпгина чиқишлар қилди ва амалий таклифлар ҳамда тавсиялар берди, «Тўрт йиллик бошланғич таълим йўриқномаси»ни ишлаб чиқишда етакчи илмий ходим сифатида қатнашди.

Олим ўз меҳнат фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирди. Унинг раҳбарлигида 13 киши номзодлик диссертациясини ёқлади. Ҳозир домла ўндан ортиқ истеъдодли талабаларга янги алифбо, оммавий ахборот воситалари тили, адабий тил жозибалари ва ўзбек тилида иш юритиш усуллари ҳақида сабоқ бераётир.

Карим домланинг камтаринлиги, одамохунлиги, педагоглик санъати, жамоат ишларидаги фаолияти ҳақида самимий сўзларни эшитиш мумкин. Жумладан, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ўқитувчиси Ориф Жумаев шундай дейди: «...Мен университетда домланинг сабоқларини, аудиторияларда қизиқарли маърузаларини эшитишга муяссар бўлган талабалардан бириман. Домла дарсларга доимо яхши кайфият ва катта тайёргарлик билан кириб келардилар. У кишининг дарсларини ҳаммамиз берилиб, қониқиш билан тинглардик. Домла ҳар бир янги мавзуни ўтаётганда жуда кўп мисоллар келтирардилар. Шуниси қизиққи, нимагадир бу гапларнинг ҳаммасида, фақатгина Салим ёки Салимани мисол қилиб келтирардилар. Балки Салим ва Салималар домлага яқин кишилардир ёки севимли набираларининг исмларидир, балки домла атайин шундай десалар керак. Аммо мен бугун Салим ва Салималар домланинг минглаб ўқувчиларининг, талабаларининг, шогирдларининг рамзий, умумий номи деб биламан».

Ишхона — пирхона дейилишида маъно кўп. Узоқ йиллар бирга ишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов домла ҳақида шундай дейди:

«Каримжон билан деярли тенгдошмиз, қирқ йиллик қадрдонмиз... Ота-она, ёру биродарлар ҳурматини жойига қўйиш, катта оилага бош бўлиш, иш юритиш ва рўзғор тебратиш, умуман, ўзбекчилик, одамохунлик, тадбиркорлик бобида Каримжондан кўп нарса ўрганиш мумкин.

Каримжон — тилшунос олим, моҳир педагог, илм-фан ташкилотчиси сифатида ҳам кўз олдимизда гавдаланди. Машҳур тилшунос Аюб Ғуломов мураббийлигида илмий-тадқиқот ва педагогик маҳорат сирларини ўрганди. Тилшунослигимизнинг дарғалари Турсун Иброҳимов, Фаттоҳ Абдуллаев, Ёқуб Ғуломов, Шавкат Раҳматуллаев, Сиддиқ Фузаилов, Иристой Қўчқортоев, Абдуғани Алиев, Миразиз Миртожиев, Ёрмат Тожиевлар сафида ишлаш—саодат ва катта масъулият. Шу олимлар ичида Каримжоннинг тилшунос сифатида илмий қиёфаси ажралиб туради. Унинг илмий ишлари, матбуотдаги ҳар бир чиқиши ички бир халқона ва шоирона руҳ билан йўғрилган. Айниқса, унинг илмий маърузалари ҳамиша мароқ билан тингланади. Нотиқлик санъати бобида Каримжонга тенг келадиган тилшунослар бармоқ билан санарли. Ҳатто устоз Аюб ака унга тан бериб: «Карим — тил илмининг шоири»,—деганлари эсимда».

Карим Назаровнинг отаси раҳматли Назар ота Эрназар ўғлини яхши биламан. Отахон мачит-мадраса қурган, эл-юрт ободончилиги йўлида кўп хайрли ишлар ташаббускори эдилар. Фарзандларини сизлаб гапирардилар. Мана, ота дуосини олган фарзандлари маърифат йўлида кўп савобли ишларни амалга оширишда ҳамиша ибрат кўрсатиб келаётибди.

Акмал Икромов туманидаги «Қизил Шарқ» маҳалла аҳли йиғинининг раиси, ёзувчи Мурод Мансуров домла ҳақида қуйидагича фикр билдирди: «Ҳар даҳанинг ўз фозиллари, маърифатчи зиёкорлари, назаркарда кишилари бўлади. Беш мучал тўйини ўтказаётган устозимиз Карим ака Назаров шу тоифа инсонлар сирасига киради.

Азим Тошкентнинг биқинида кўп қадим мавзе — Катта Қанғли деган жой бор. Яқин-яқингача Қанғли қандай маънони билдиришини кўпчилик билмасди. Буни шу қишлоқдан чиққан тилчи олимимиз Карим Назаров аниқлаб берди. Ўзбекнинг 92 уруғи бўладиган бўлса, Катта Қанғли шу қавмлардан биттаси экан. Энг ақл-фаросатли, топқир, ҳунарманд одамдан тарқаган экан бу қавм. Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» ва Абулғозийнинг «Шажараи турк» китоби сингари мўътабар манбалар шундан дарак беради.

Ватанни таниш киндик қони тўкилган ерни таниш, элининг келиб чиқишини билишдан бошланадиган бўлса, устознинг ҳозирги қанғлиликлар олдидаги хизмати нечоғли экани ўз-ўзидан маълум. Неча йиллардирки, домла мана шу элнинг бошини қовуштириш, фарзандларини илмли, ўзларини маърифатли қилиш, қишлоқ тарихини тиклаш ташвишлари билан юради. У кишини тўю маъракаларда, сайилу йиғинларда қулоқ қоқмай тинглашади. Мактабларда эса қучоқ очиб кутиб олишади. Ҳамма катта-кичик тадбирларда у киши бош-қош, елибюгурган. Кейинги йилларда шу даҳадаги учта мактабга шу мавзедан чиққан маърифатчилар — Рустамхўжа Бобоев, Тўра Тўлаганов, Саъдулла Иноғомовларнинг номлари берилиб абадийлаштирилди. Катта Қанғлидаги қатор кўчалар Нурилла Саидов, Ғаниполвон Ҳакимов, Обиджон Зоиров сингари юрт ободлигига хизмати сингган кишиларнинг номлари билан аталди. Бу хайрли ишларда устознинг муносиб ҳиссаси бор».

Карим Назаров йигирма беш йилдан буён 203-мактаб ота-оналар кенгашининг аъзоси. Мактабга Аҳмад Яссавий номи берилиши муносабати билан ҳар йили яссавийхонлик ўтказиш анъанага айланиб қолди. Маънавиятни қарор топтиришдаги бу тадбирларда ҳамиша у бош-қош. Унинг ташаббуси билан мактабга Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матчон, халқ ёзувчилари Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев, таниқли педагог-олимлар ташриф буюришиб, ўқувчилар нафосат оламини бойитишгани эсимизда.

Карим Назаров маҳалладе Улуғ Ватан уруши қаҳрамони Ислом Усмонов бюстини ҳамда урушда ҳалок бўлганларга ёдгорлик тахтачаси ўрнатишда фаоллик кўрсатганини кўпчилик билади.

Эл-юрт ишқи билан ёнган, юраги бир олам орзу-ниятларга тўлиқ, тўрт ўғил ва уч қизнинг падари бузруквори, ўнлаб невараларнинг буваси Карим Назаров ҳақиқий маънода эл эҳтиромига сазовор инсон!

Ғафур МАННОПОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Болаларни ҳамма яхши кўради. Ҳаммамиз уларга яхшилик қилгимиз келади. Лекин кичкинтойлар кўнглини топа билмоқ ниҳоятда мушкул.

Яқинда тожикистонлик дилбар шоира Зулфия БОБОЕВАнинг жажжи фарзандларимизга бағишлаб бир туркум янги шеърлар ёзганидан хабар топиб, бағоят мамнун бўлдик ва уларни сиз азиз муштарийларимиз ҳукмига ҳавола этишга шошилдик. Ўқувчилик ҳаётида фақат бир мартагина нишонланадиган илк шодиёна «АЛИФБЕ БАЙРАМИ»нинг янги сценарийси куюнчак муаллимларимиз ва билимга ташна болажонларимизга манзур бўлади деган умиддамиз.

ЖОН БЎЛАЙИН ЖОНИНГИЗГА

А

Алвон-алвон лолалар
Териб юрса болалар.
Зўр ҳаёт деманг буни,
Ақлдир энг муҳими.
Шундан ҳарфлар бошиман,
Яхшилар йўлдошиман.
Ҳа, «а» дирман ҳамма кўрсин,
Алдасам, худо урсин.

Б

Баҳо берсангиз жойим —
Иккинчи ўрин доим.
Г —отамдир, О —онам,
Доим бошда парвонам.
Боболарнинг шаъниман,
«Йўқ» сўзин душманиман.
Ҳозирча демам у — бу,
Бошимдан ўтгани шу!

В

Вафодор бўлса дўстлар,
Билинмас ками кўстлар.
Ёзилмайди-да, эсиз,
Вали деган сўз менсиз.
Яна қанча ўрним бор,
Вой, айтсам, арзир такрор.
Бажараман, қоч нари,
Вазифам бўлгач бари.

Кўришгум келса бирров,
Исмимни айтиб дарров.
Оғзим очиқ, тишим йўқ,
Илтимосга ҳушим йўқ.

И

Йўлда қолиб кетмадим,
Йўлдошим кўпдир маним.
Бир чизиқ бор бошимда,
Энг навқирон ёшимда.
Келинг, шу фурсатда ман,
Йўлбарсни кўрсатаман.
Қўрқмайсанми, дер Омон,
Йўқ, дедим, йўқ. Гап— тамом.

К

Камол пашшани кўрди,
Китоб билан бир урди.
Китобда мен бор эдим,
Эътиборга зор эдим.
Қўқариб қолди бетим,
Увушиб кетди этим.
Яхшими шу паллада,
Кулги бўлсам ҳаммага!

Л

Лола бўлдим, лол бўлдим,
Лобар бўлдим, бол бўлдим.
Лайлаклар-ла учаман,
Самоларни қучаман.

Тойчоқ деган дўстим бор,
Тоғлар бўйи ўсгим бор.
Тағин кулиб юрмангиз,
Лабингизни бурмангиз.
Чўққини забт этолмай,
Тошга айланиб қолмай.

У

Уни дедим, буни дедим,
Ё бир бошқа куни дедим.
Баҳонамнинг поёни йўқ,
Унутишдан осони йўқ.
Умид қилсак бўлар эди,
Кўнглингиз ҳам тўлар эди.
Бузди мени, ҳей жўралар,
Ура, ура, ҳа, уралар.

Ф

Фурсат етди менга ҳам,
Ортда қолдим нега ҳам.
Қўлни қўйдим белимга,
Чанқоқдирман билимга.
Филлар менинг дўстларим.
Фасллар азизларим.
Фуқарога қўноқман,
Фақат озроқ нўноқман.

Х

Хайр дейсиз Алифбега,
Қадрдонлар, айтинг, нега?
У жонажон дўстингиз-ку,
Бизни таниб ўсдингиз-ку!
Хато қилманг, азизларим,
Биз ҳам битта кўнгли яримм.
Хабар топинг, бердик саслар,
Дўст деганни унутмаслар.

Ц

Циркда бўлдим у куни,
Кўрмадим уни, буни.
Циркулим йўқолганди,
Билмадим ким олганди.
Юришмаса ишингиз,
Чўзиларкан қишингиз.
Қайғу бўлмасди манда,
Гап циркулда бўлганда...

Ч

Чопиб келдим, чопиб келдим,
Бир нималар топиб келдим.

Я

Яроқларга ўхшамайман,
Кузда ерга тўшалмайман.
Яхшиликда биринчиман,
Ярашаман ялпизга ҳам.
Яна бошқа фазилатим,
Қидирсангиз, чиқар буткул.
Қилмасликдир зўр нятим,
Ярмим янтоқ, ярмимни гул.

Ў

Ўйлаб-ўйлаб топилганман,
Ўқиш билан биргаман ман.
Ўртоқ бўлиб олдим о га
Йўл қўймайман ҳеч хатога.
Ўлмаслигим боиси шул,
Сўлмаслигим боиси шул.
Яхши бўлди мени ҳам тез
Ўрганиблар олганингиз.

Қ

Қалдирғочнинг қанотиман,
Қодир деганнинг отиман.
Қарор қилдим шу бугундан,
Қочмасликка ҳеч ўйиндан.
Қайтмас йўллар равон бўлсин,
Юрганлар соғ-омон бўлсин.
Сиз ҳам чиқиб кетманг йўлдан,
Қарс чиқади икки қўлдан.

Ғ

Ғанимат деб бу кунлар,
Белимни боғладилар.
Ғазабим келмади ҳеч,
Эрта-кунлар бўлди кеч.
Ғоз турдим кейин бирдан,
Ғайратим кўплигидан.
Ўтиб олсин манов қиш,
Олдиндадир ҳамма иш.

Ҳ

Ҳолимни бир сўрингиз,
Мана, шаклим кўрингиз.
Ҳолвага ишлатишар,
Ҳаммомда қишлатишар.
Ҳаммада ҳам ишим бор,
Кўнглим жуда беғубор.
Шу экан, дўстлар, куним,
Илиниб турар думим.

(Даврага китоблар кириб келишади).

АЛИФБЕ

Мен-ку, сизлар томонман,
Ажралишга ҳайронман.
Ўргандингиз қадримни,
Ўттиз бешта ҳарфимни.
Раҳмат, азиз дўстларим,
Бор уч-тўртта сўзларим.
Ёмон ҳулқни яратманг,
Бошим ерга қаратманг.
Мана, ўқиш китоби,
Алифбенинг давоми.
Хайр энди, тўлиб кетдим,
Ғалати бўлиб кетдим.
Менга етар шу нафас,
Рақмат, деб қўйсангиз, бас!
ҲАММА:— Раҳмат. Раҳмат! Раҳмат!
АЛИФБЕ ДАВРАНИ ТАРК ЭТАДИ.
ҲАММА:—Хайр. Хайр! Хайр!

ЎҚИШ КИТОБИ

Сўз бошланар ошқор, зимдан,
Ассалому алайкумдан...
Мана, мен ҳам худди шукун
Бел боғладим хизмат учун.
Аниқ қилар ҳар ишимиз
Дўстлар бўлиб қолишимиз.
Шеъру эртак манзил жойим,
Ўқиганлар ютар доим.
Саҳифамни йиртиб қўйманг,
Ҳаттоки, сал чертиб қўйманг.
Керак бўлиб қолгум сизга,
Янаги йил укангизга.
Ундан-бундан сўзлаб кам-кам,
Хуллас, олдик таништиб ҳам.
Ўйлайманки, юришиб иш,
Бўлар ҳар кун баҳолар «5»
ҲАММА:— Албатта!

ОНА ТИЛИ

Мен онангиз тилидирман,
Мен отангиз тилидирман.
Унли ҳарф, ундош ҳарф,
Ўзларига кутар таъриф.
Сўзлар қандай айтилади,
Мен бўлмасам, ким биладн?
Ҳамма иш ҳам қийин ишдир,
Жону дилим ўргатишдир.
Ким дейдилар, айтинг, қани,
Она тилин билмаганни!
Нуқта, вергул, сўроқ, ундов,
Тиреларсиз йўлимиз ғов.
Жон бўлайин жонингизга,
Мени олинг ёнингизга.
ҲАММА:— Марҳамат!..

МАТЕМАТИКА

Қўрқув йўқ, йўқдир ҳадик,
Бир, икки, уч — бошладик.
Бемалол бераман сас,
Менсиз билим — билиммас.
Нечадир, синай сизни,
Ўндан олса саккизни.
Ҳар болага, чамамда,
Керакман ҳар қадамда.
Жуда осонман гоҳо,
Мураккаб сонман гоҳо.
Шартимни қилиб қўйинг,
Қадримни билиб қўйинг.
Мен эмасман боғи йўқ,
Сони йўқ, саноғи йўқ.
Хислатларим шу манинг,
Адашиб кетманг тағин!
ҲАММА:— Ҳеч қачон.
(Шундан сўнг қувноқ кўй-қўшиқ ва рақслар бошланиб кетади).

Зулфия БОБОЕВА.

Хотира

ДАФТАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

Маҳалламизда Сайидазимхон Муродхонов деган камтарин, хоксор киши яшайди. Маннон Уйғур номли театр санъати институти вокал кафедраси доценти у. Шу билан бирга Сайидазимхон яхшигина ҳофиз ҳам. Маҳалладошлари ва дўсту биродарларидан ҳеч қачон хизматини аямайди.

Кунларнинг бирида Сайидазимхон тоғаси Ниёз Акрамов ҳақида сўз очиб қолди:

— У киши Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида ўқир эдилар. Бадиий ижод билан шуғулланардилар. Шеърлари газета ва журналларда тез-тез босилиб турарди. 1941 йилда ўқишни битириб, Паркент туманидаги мактаблардан бирида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берардилар. Уруш бошлангач, кўплар қаторн тоғам ҳам жангга кетдилар. 1943 йилда Днепр дарёсини кечиб ўтиш пайтида яраланиб, Житомирда госпиталда даволанаётганларини ёзган эдилар. Ўшандан кейин дом-дарак бўлмади. Тоғамдан ёдгорлик, шеърлар битилган бир дафтар қолган. Шуни бир кўздан кечириб берсангиз дея дафтарни узатди.

Ниёз Акрамовнинг қариндош-уруғлари бу дафтарни 50 йил кўз қорачиғидай авайлаб асрашибди. Тасанно уларга! Ҳақиқий одамийлик деб шунга айтадилар.

Лотин алифбосида битилган шеърларни зўр-базўр ўқиб чиқдим. Унда жангчи-шоирнинг фронт хотиралари, қувонч ва соғинчлари, онаизорига бўлган олам-олам ҳурмати ўз ифодасини топган.

Қуйида марҳум педагог-шоир Ниёз Акрамов ижодига мансуб шеърлардан айримларини сиз азиз ўқувчилар ҳукмига ҳавола этамиз.

Усмон ЮСУПОВ.

КЎРГИМ КЕЛУР

Бунда мен сиздан йироқда онажон, кўргим келур,
Қаршингизда термулиб бир лаҳза ўлтиргим келур.

Бул мусофирлик мени эзди мусулмон айлади,
Айриликда кўзларимдан қон ёш юм-юм келур.

Меҳрингиз оламча бор Сиз бердингиз синмас қанот,
Ёнингизга қуш бўлиб беихтиёр учгим келур.

Боғимизда аста қўнсам, яйрасам ўйнаб-кулиб,
Қаршингизда, меҳрибоним, термулиб тургим келур.

Ушбу нома ул Ниёз отлиқ боламдан деб билинг,
Бағрингизга бош қўйиб, кулбамни тўлдиргим келур.

МАКТУБ

Ассалом, онажон — мунис, меҳрибон,
Жангга кирмоқдаман дилда ҳаяжон.
Йигитлик ғайрати жўшар бу танда,
Ўйноқлаб турибман арғумоқсимон.
Уруш даҳшатидан тилларда нола,
Кўрдим — вайронада ётар бир бола.
Шўрликнинг кесилган қулоғу бурни,
Додини Аллоҳга айлар ҳавола.
Мен бугун, онажон, жангга кираман,
Газанда ёвларни қувиб кираман.
Ўқлар яшин каби ярақлаб учар,
Тақдирда борини, шаксиз кўраман.
Хайр, онажоним — мунис меҳрибон.
Онтим шу — фашистга бермайман омон.
Ватаним ва халқим шарафи учун,
Фидо айлагайман керак бўлса жон.

ДЎСТИМГА

Мен бунда — узоқда сиздан, Аҳмадбек,
Сиз каби суҳбатдош улфат топмадим.
Теграмни ўраган ҳарорат, дўқ, кек,
Мен буни қизил сўз билан ёзмадим.

...ГА

Мен то умрим сўниб битгунча,
Ўз аҳдимни асло бузмайман.
Ўтган ишни солманг юзимга,
Сиздан сира кўнгил узмайман.

Ниёз АКРАМОВ.

ЭЛДА АЗИЗ

Беруний шаҳридаги Навоий маҳалласига жойлашган Телеграфная қўчасининг номи ўзгартирилиб, Салима Алимуҳамедова номи берилди. Қирқ йилдан зиёд ўқитувчилик қилиб, халқ меҳрини қозонган, муаллимлик касбини ардоқлаган марҳума Салима Алимуҳамедова ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтганди.

С. ОЛЛАМОВ.

МАКТАБ БОҒЛАРИ

Мустақиллик шарофати билан республикамизда халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ишлар яхши самара бермоқда. Ўтган йили Ғаллаорол тумани мактабларига беш гектардан ер майдони ажратилган эди. Шундан сўнг ўқитувчилар жамоалари юқори синф ўқувчилари билан янги боғлар бунёд этишга киришишди, мактаб тажриба участкаларига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Ҳозирги кунда тумандаги 34, 41, 43, 62, 63, 68-мактабларнинг ер майдонларида сабзавот экинлари етиштирилмоқда. Шу билан бирга, янги боғлар, кўчатзорлар барпо этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат теракчилигини ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига жавобан мактабларда кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқди.

Бир гуруҳ фахрий педагогларнинг республикамиз халқ таълими ходимлари, маҳалла фаоллари, ўқувчилар, талабалар, педагог-фахрийларга, Ўзбекистондаги барча меҳнат аҳлига Мурожаатномаси туман мактаблари жамоаларини боғ-роғларни кенгайтиришга, янги кўчатзорлар барпо этишга илҳомлантириб юборди.

Халқимизнинг азалий урф-одатларига кўра бу йилги Наврўз байрами чинакам меҳнат ва шодлик байрамига айланиб кетди. Бу ишга маҳалла фаоллари, меҳнат ва уруш фахрийлари бош-қош бўлишди.

Зебинисо УМАРОВА.

НАВРЎЗ ТАОМЛАРИ

ҲАЛИМ

Қайроқи буғдойни келида сув солиб туйиб, пўстидан ажратасиз. Сўнгра қипиғини елпиб ташлайсиз ва яна келига солиб, ҳар бир дон 2—3 бўлак бўлиб майдалангунча туясиз ва ғалвирдан ўтказасиз. Таом пиширишдан 3—6 соат илгари қайноқ сувга бўктириб, устини ёпиб қўясиз.

Қозондаги ёғ яхши доғ бўлгандан сўнг 50—60 грамлик қилиб кесилган қўй ёки мол гўштини солиб қовурасиз. Сўнгра қозонга тайёрлаб қўйилган буғдойни солиб устидан сув қуясиз-да, 1,5—2 соат давомида милдиратиб қайнатасиз ва ҳамма вақт ковлаб турасиз. Агар буғдой пишмай туриб суви бугланиб кетса, оз-оздан қайноқ сув қуйиб турасиз.

Пишган ҳалимнинг буғдойи эзилгач, гўшти эса ҳилҳил бўлиб кетади. Айни вақтда ҳалимнинг тузини ростлайсиз ва лаганга сузиб, устига мурч ва бир оз туйилган долчин сепиб дастурхонга тортасиз.

Ҳалимга: 1 кг буғдой, 600 грамм гўшт, 400 грамм ёғ, таъбга қараб туз ва чимдим долчин солинади.

ҚЎЗИҚОРИН КАБОБ

Бу таомни баҳорда қўзи қорин эндигина пайдо бўлганда тайёрлаш мумкин. Қўзиқоринни ёнғоқдай ва тухумдайларини саралаб оласиз, каттароқларини эса майдалаб кесасиз. Човлига солиб совуқ сувда чайқаб, 1—2 минут қайноқ сувга ботириб оласиз. Сўнгра суви сиқилгач, 5—6 бўлакдан қилиб сихга ўтказасиз, майин туз ва туйилган мурч сепасиз-да, пича унга белаб олиб мевали дарахтнинг ўтинидан тушган лахча чўғ устида жизиллатиб пиширасиз. Тстли бўлсин учун сиртига сариёғ суркаб турасиз.

Дастурхонга тортишда тўрт сихдан ликопга солиб, ёнига кўк пиёз ёки редиска қўясиз. Қўзиқорин кабоби учун: 2 кг қўзиқорин, 100 г сариёғ, 2 чой қошиғида туз, шунча мурч, бир сиқим оқ ун керак бўлади.

СУМАЛАК

Сумалак — баҳор таоми. Уни тайёрлаш учун қизил буғдой тозаланиб, совуқ сув билан ювилади. Сўнг зангламайдиган идишга солиб, уч кун ивитиб қўйилади. Буғдой ниш ургач, тоза тахта устига 1—1,5 см қалинликда ёйилиб, ёруғроқ, лекин қуёш тушмайдиган жойга қўйилади. Буғдой униб чиққунга қадар ҳар куни эрталаб сув сепиб турилади. Буғдой майсаси игна бўйи бўлгач (тахминан 3—4 кундан сўнг), уни бўлакларга бўлиб, тахтадан ажратиб олинади. Майса қиймаланади ёки ўғирда туйилади ва устидан сув қуйиб аралаштирилади, шарбати докадан сузиб олинади. Шу тариқа уч марта шарбат олиниб, алоҳида идишларда сақланади. Қозонда пахта ёғи доғланиб совитилади. Сўнгра ёқа ун ва биринчи сузилган шарбат аралаштирилади ва баланд оловда қайнатилади. Сўнгра иккинчи сузилган шарбат қуйилади, бу ҳам қайнагач, учинчи сузилган шарбат қуйилиб, баланд оловда қайнатиш давом эттирилади. Сумалак тагига олмаслиги учун қозонга 15—20 та ёнғоқ ёки ёнғоқдек келадиган силлиқ тошчалар ювиб солинади ҳамда ёғоч кураква билан бетўхтов ковлаб турилади. Сумалак 10—12 соат қайнаши лозим. Сумалак пишгач, қозоннинг олови олиниб, 2—3 соат давомида димлаб қўйилади.

Тайёр сумалакнинг ранги оч жигар ранг, қуюқ аталадек, мазаси ширин бўлади.

Сумалак тайёрлаш учун 1 кг пахта мойи, 0,5 кг буғдой, 2 кг оқ буғдой уни, 15—20 та ёнғоқ ёки шунча тош керак бўлади.

КЎК СОМСА

Хамирни ошириб урвоққа аралаштирасиз ва ундан катталиги ёнғоқдай келадиган зувалачалар ясайсиз. Ҳар бир зувалачани жува билан қалинлиги 1 мм. қилиб ёясиз. Отқулоқ, ялпиз, йўнғичқа, жағ-жағ, шўра каби ошкўклардан ва кўкпиёз, бош пиёздан қийма тайёрлайсиз. Қиймага туз, қалампир ва жизза қўшасиз. Сомсани тандирда пиширадиган бўлсангиз, уни тандирнинг икки четки деворига ёпасиз. Агар сомса тепасига ёпилса, тушиши, суви оқиб кетиши мумкин.

Духовкада пиширсангиз тунукани, албатта, ёғлаш керак, акс ҳолда, сомса тунукага ёпишиб қолади. Пишиш муддати 15—20 минут.

Кўк сомсанинг хамири учун: 1 кг ун, 2 стакан сув, 2 чой қошиғида туз, 50 г хамиртуруш кетади.

Қиймасига: 1,2 кг ҳар хил ошкўклар, 4—5 бош пиёз, 2 боғ кўк пиёз, 1 стакан жизза ёки 100 г қўй ёғи, 1 ош қошиғида туз ва шунча қалампир ишлатилади.

КЎК БИЙРОН

Масаллиқ: отқулоқ, жағжағ, ялпиз, исмалоқ, йўнғичқа, чумчуқ кўз, гулпайбарг ва бошқа ёввойи ошкўклардан 1 кило, кўк пиёз ва кўк саримсоқдан 1 боғдан, бош пиёздан 2—3 дона, думба ёғидан 200 грамм, туз ва мурч таъбга кўра олинади.

Тайёрлаш усули: кўкатларни совуқ сувда яхшилаб ювиб, суви сиркигач чопасиз, унга тўғралган кўк пиёз, кўк саримсоқ ҳам қўшилади, туз ва мурч сепиб аралаштирилади.

Думба ёғини майда тўғраб қизиган қозонда эритинг, жиззасини олиб, яхши доғлаганингиздан кейин пиёз солинг, у қизаргач, тайёрлаб қўйилган кўк солинади. Бир оз ковлаб аралаштирилади-да, жиззани солиб, хом тухум чақилади ва аралаштириб қовурилади, кўкнинг сели ажраганда олов пасайтирилиб, димлаб қўйилади. Кўк юмшагач, лаганга сузиб, дастурхонга тортилади.

Ташқи кўриниши: лаганга сузилган тўқ яшил тусдаги кўкат қиймa. Анча селликкина, юзида чақилган тухум ва жизза бўлаклари бор.

ВИТАМИНЛИ САЛАТ

30 грамм карам, 20 грамм сабзи, 5 грамм пиёз, 25 грамм олма, лимон (шарбат учун), 5 грамм шакар, 15 грамм сметана оласиз.

Карам, кўк пиёз, сабзи тозаланади ва қиймаланади. Олма ювилиб, уруғлари тозаланади ва қаламча шаклида тўғралади.

Тайёрланган хом сабзавотлар аралаштириладн ва дастурхонга тортишдан олдин туз, шакар, лимон шарбати, сметана билан меъёрига етказилади.

Сметана ўрнига салатга майонез қўшса ҳам бўлади.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

«ЮЛДУЗ»НИНГ ЮЛДУЗЧАЛАРИ

«Юлдуз» болалар боғчасида 60 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланяпти. Улар учун боғчада барча имкониятлар яратилган.

Боғча мудираси Мусаллам Одилова қарийб 15 йилдан буён ўзига топширилган вазифани ҳалол уддалаб келмоқда.

Мусаллам Одилова уй боғчаларини ташкил этиш ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувват этди. Айни пайтда Башорат Ривожова, Махфират Сайдалиева, Шоира Ражабова, Озода Жўраева, Робия Қобилова сингари оналар ўз уйларида меҳнаткашларнинг 40 нафар ўғил-қизларини ўз фарзандларидек тарбиялашмоқда.

Мазкур хонадонлардаги тарбияланувчилар учун ажратилган уйлар тўлиқ жиҳозланган. Ҳар куни уч маҳал овқат етказиб берилади. Фақат мусиқа машғулотларини болалар «Юлдуз»да Исмоил Тошев раҳбарлигида ўтказишади.

Умуман, боғчада ташкилий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган. Яқинда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган мушоира кечаси ўтказилди. Эндиликда Мирзо Улуғбек таваллудининг 660 йиллигига атаб ана шундай кеча ўтказишга пухта ҳозирлик кўриляпти. Шунингдек, боғчада ўзбек тилини ўргатиш, қўл меҳнати (лойдан турли хил шакллар ясаш) машғулоти жорий этилган.

Жажжилар масканида ўзининг беминнат меҳнати билан жамоага ўрнак бўлаётганлар талайгина. Услубшунос Тошбиби Тошева, тарбиячилар Жамила Давронова, Муқаддас Сайдалиева, Назокат Тўраева, Гулнора Қосимова, Аня Ҳасановалар шулар жумласидандир.

Ҳасан МАҲМУД,
Қашқадарё вилояти Касби тумани.

СПОРТ

««УМИД» МУСОБАҚАСИ

Андижон шаҳридаги «Ёшлик» ўйингоҳида шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли футбол спорт мактаби қатнашчиларининг вилоят спорт қўмитаси Биллур соврини учун «Умид» мусобақаси ўтказилди. Унда бешта туман футбол мактабининг ёш спортчилари, бита шаҳар командаси ўзаро куч синашди.

Мусобақада Андижон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли футбол мактабининг спортчилари биринчи ўринни қўлга киритиб, финалга йўлланма олдилар.

Ш. КЕЛДИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Энига: 3. Деҳқончилик учун қулай, баланд текислик ер. 5. Чирой, гўзаллик. 8. Ўзбек халқ мумтоз қуйи. 10. Эртапишар ҳўл мева. 12. Ҳамалнинг белгиси. 13. Ёшига етмаган қўй. 14. Наврўз айёмида уюштириладиган ўйин, хурсандчилик, шодиёна. 15. Узум ўсимлиги тури. 16. Бошоқли ғалла экини. 17. Қушлар ошёни. 18. Турфа ранг товланадиган коинот ҳодисаси. 19. Ўсимлик сўзининг яна бир номи.

Бўйига: 1. Наврўз таоми. 2. Ўсимлик гулини чангловчи ҳашарот. 3. Бўйни узун қуш. 4. Эртапишар сабзавот экини. 5. Ток баргидан қўшиб тайёрланадиган баҳор таоми. 6. Бир турли попукли ўсимлик. 7. Уруғ ёки қаламчадан униб чиққан ёш дарахт, ниҳол. 8. Меваси шифобахш раъногуллардан бири. 9. Дам олиб, ҳордиқ чиқариладиган маскан. 10. Коинотнинг қуйи қатламларида юзага келадиган сув томчилари. 11. Тик ўсувчи дарахт.

Машқни ҳал этгандан сўнг, шаклнинг айланаларида берилган рақамларни жавоб сўзларидаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштиринг. Бунда қадимий баҳор айёми ҳақидаги тарихий асар номини ўқийсиз. Шу номда асар ёзган улуғ форс-тожик мумтоз шоири ва олими, шунингдек йирик тасаввуф олими, **фиқишунос** ва муҳаддислардан бири номларини топинг-чи?

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Қадрли ҳамкасбимиз Маъсуда АҲМЕДОВА!

Сизни 55 ёшингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва муаллимлик фаолиятингизда омадлар тилаймиз. Ҳамиша юзингиздан табассум аримасин!

Акмал Икромов туманидаги 197-мактаб жамоаси.

Ҳурматли Умар ДОНИЁРОВ!

Сизни жонкуяр маорифчи, уддабурон ташкилотчи сифатида кўп йиллардан буён биламиз. Қаерда бўлманг, ўзингизнинг одамохунлигингиз билан жамоа ўртасида обрў-эътибор топдингиз.

Таваллудингизнинг 60 йиллиги муносабати билан Сизни чин дилдан қутлаймиз. Ишингизга ривож, онангизга тинчлик-тотувлик тилаймиз. Ҳамиша соғ-омон бўлинг!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Ҳурматли ва қадрли устозимиз Суяр ТОШЕВ!

Биз Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан самимий табриклаймиз. Оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ, раҳбарлик ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Аспирант шогирдларингиз — Анорхол Бойматова, Фурқат Раҳмонов, Акбар Мирзаев.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти.

Меҳрибон адажонимиз Баҳромбек КАРИМБЕКОВ!

Қутлуғ 55 ёшингиз муборак бўлсин. Белингиздан қувват, кўзингиздан севинч аримасин.

Адажон, Сизни чашмага қиёс қилгимиз келади. Истардикки, бу қайнар чашмадан биз ҳам, шогирдларингиз ҳам баҳраманд бўлаверайлик.

Ҳурмат ва эҳтиром билан фарзандларингиз: Сурайё, Дилфуза, Ботирбек, Хотамбек, Отабек.
Тошкент шаҳри.

Қадрдонимиз Абдураҳмон БОЙМУРОДОВ!

Сизни табаррук 60 ёшга тўлганингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Хуш кайфият, омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Волидан муҳтарамингиз, фарзандларингиз, келинларингиз, набираларингиз.
Пахтачи тумани.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИДА 1994 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ РЕЖАСИ АСОСИДА НАВБАТДАГИ КУРСЛАР ИШЛАЙ БОШЛАЙДИ. УНГА ҚУЙИДАГИ СОҲАЛАРНИНГ МУТАХАССИСЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

1. Туман (шаҳар) химия, биология, география методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи — 4-16 апрель.

2. Янги дастур асосида тарих ўқитувчилари (маърузачилар гуруҳи) — ўзбек гуруҳи — 4-16 апрель.

3. Олий ва 1 тоифали ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-28 апрель.

4. Қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчилари — қозоқ гуруҳи — 1-28 апрель.

5. Немис тили ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-28 апрель.

6. ВЎМОИ ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари — ўзбек гуруҳи — 4-9 апрель.

7. Ўрта мактаб директорлари — ўзбек гуруҳи — 1-28 апрель.

8. Мактаб директорлари (Сурхондарёда) — ўзбек гуруҳи — 1-28 апрель.

9. МУПК директорлари — ўзбек гуруҳи — 1-28 апрель.

10. Мусиқа ўқитувчилари учун (маърузачилар гуруҳи) — рус гуруҳи — 11-23 апрель.

11. Туман (шаҳар) ХТБ мудирлари — ўзбек гуруҳи — 11-23 апрель.

12. Янги дастур бўйича ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари (Жиззахда) — ўзбек гуруҳи — 11-16 апрель.

13. Тарих ўқитувчилари (Қашқадарёда) — ўзбек гуруҳи — 18-23 апрель.

14. ВЎМОининг гуманитар фан методистлари — ўзбек гуруҳи — 4-16 апрель.

15. Туман (шаҳар) ёш техниклар ижодий марказининг методистлари — ўзбек гуруҳи — 1-28 апрель.

16. Олий ва 1 тоифали бошланғич синф ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-28 апрель.

17. Болалар уйлари ва мактаб-интернатларининг тарбиячилари — ўзбек гуруҳи — 1-28 апрель.

18. Махсус мактабларнинг руҳий ривожланиши сустлашган болалар синфлари ўқитувчилари — аралаш гуруҳ — 1-28 апрель.

19. Олий ва 1 тоифали математика ўқитувчилари — рус гуруҳи — 1-28 апрель.

20. Ҳунар-техника билим юртлари жисмоний тарбия ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-28 апрель.

21. Мактаб-интернатларнинг жисмоний тарбия раҳбарлари ва ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 11-23 апрель.

22. Ёрдамчи мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари (Тошкент вилоятида) — ўзбек гуруҳи — 4-9 апрель.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторияга 1-5 апрелгача қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Сандов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси. Телефон: 46-06-62.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси уюшма аъзоси, шоир Йўлдош Эшбекка отаси
Эшбек ЭРНАЗАРОВ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси, рус гуруҳларида ўзбек тили ўқитиш кафедрасининг жамоаси шу кафедранинг ўқитувчиси Арофат Алимбобоевага падари буюруквори
САИДАКБАР ота
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими туман халқ таълими бўлими катта ҳисобчиси Нақия Сайфулинага умр йўлдоши
Равил САЙФУЛИН
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти маъмурияти ва касаба уюшмаси Светлана Нарзиқуловага онаси
Марьям ИСЛОМОВА
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими туман халқ таълими бўлими бош мутахассиси В. Шамсутдиновага умр йўлдоши
Юрий САЛОМНИКОВ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАҚИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Ашурали АҲМЕДОВ, Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тоғлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАИДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Маҳкам Раҳмонов, Дилбар Хўжаева.

ИНДЕКС: 64595. Буюртма Г.—859. 91934 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6.